

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 5
2013

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ, ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ, ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

✓ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ДЕЙСТВИИ

✓ ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ
ФИЛОСОФИЯ ОБРАЗОВАНИЯ

☑ ТАЪЛИМ FOЯЛАРИ ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ

☑ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

☑ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

☑ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ

☑ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА

✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури –
жамиятни модернизациялаш, инновацион иқтисодийтни
яратиш ва фуқаролик жамиятини босқичма-босқич
ривожлантиришнинг асоси

Национальная программа подготовки кадров Республики Узбекистан –
основа модернизации, создания инновационной экономики
и поступательного развития гражданского общества

**ПЕДАГОГЛАР, ТАРБИЯЧИЛАР, ПСИХОЛОГЛАР, ПРОФЕССОР –
ЎҚИТУВЧИЛАР, ТАЪЛИМ СОҲАСИ АМАЛИЁТЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ**

Журнал рукнлари:

- Таълим сифати ва халқаро стандартлар
- Таълим менежменти
- Таълимни молиялаштириш манбалари
- Таълимнинг ахборот-ресурс таркиби
- Ўқув режалари ва дастурлари
- Олий таълим муассасалари рейтинги: концепцияси, кўрсаткичлари ва уларни табақалаштириш
- Болонья ва Нарик тизимлари, халқаро миқёсда дипломларни ўзаро тан олиш
- Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, фан ва таълим
- Мактаб таълими
- Таълим муассасасидаги тарбия
- Жисмоний ривожланиш ва саломатлик
- Инклюзив таълим
- Раҳбар кутубхонаси
(Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга шарҳлар)



**ЖУРНАЛ ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ
ТАРҚАТАДИ**

Рубрики журнала:

Качество образования и международные образовательные стандарты
Менежмент в образовании
Фандрайзинг в образовании
Информационно-ресурсная составляющая образования
Учебные планы и программы
Рейтинг высших образовательных заведений: концепция, критерии и ранжирование
Болонская система, Система «Нарик» и взаимное признание дипломов
Экономика, производство, наука и образование.
Школьное образование
Воспитание в образовательном заведении
Здоровье и физическая культура
Инклюзивное образование
В помощь руководителю

**ҚУЙИДАГИ АГЕНТЛИКЛАР ОБУНАНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШИНГИЗГА ЁРДАМ
БЕРАДИЛАР:**

“Obuna servis”, “Matbuot tarqatuvchi”,
“Inter Pres”, “BTL – Arzi Media”, “Kaleon”,
“INFORM POCHTA” МЧЖ,
«Матбуот даврий нашрлар» МЧЖ ва бошқалар.

**Агентликлар ва почта орқали
обуна бўлиш учун индекс – 7045**

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-даҳа, 34/14
Маълумот учун телефон: (+998971) 277-80-87
E-mail: zamonaviy_talim@mail.ru



МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 5, 2013

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ / РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Қўзиёв З.Б. Таълим хизматларини ривожлантириш – обод турмушни таъминлашнинг муҳим омили

ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ / ПРАВОВОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ҳожиёв Э. Асадов Ш. Ҳуқуқий таълим жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалаларини ўрганиш

Қодиров Қ.Б. Жиноятчиликка қарши курашишда хориж тажрибасидан таълим жараёнида фойдаланиш

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

Жабборов Г., Мадраҳимов А. Педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ вазиятлар

КАСБИЙ ТАЪЛИМ / ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Мусурмонов Р., Шодмонова М.Б. Таълимда янгиликлар кашф этилишидаги муҳим жиҳат

ОИЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ / СЕМЬЯ И УЧЕБНОЕ ЗАВЕДЕНИЕ

Туракулова Р.Т. Психологическая подготовка девочек к здоровому материнству

Хамидов Д. Ёшларни бўлғуси ота-оналикка тайёрлаш – давр талаби

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

Ҳайитов О.Э. Психологик компетентликни шакллантириш – таълим ислохотларидаги асосий масалалардан бири

Магомудова М.М. Эмоциональный аспект отношения взрослых к детям

Абдуллаева И. Д. Психологические аспекты духовности в современной психологии

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ТАРБИЯ / ВОСПИТАНИЕ В УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ

Расулова З.А., Аҳмедова З.З. Фарзанд тарбиясида “оила – маҳалла” ҳамкорлиги

Рузметова М. А., Умаров Б.М. Тарбияда танаффус бўлмади

МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Авонов Х., Мамадов Н. Глобаллашув шароитида география таълимига қўйилган талаблар

ҲИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА САЛОМАТЛИК / ЗДОРОВЬЕ И ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА

Абдурашидов У.Р., Шакиржанов Т.А., Ходжаев А. Буюк келажак таълим тизими ва вазирликнинг хусусида мулоҳазалар (таҳлил, башорат-прогноз)

МАҚОЛАЛАРГА АННОТАЦИЯЛАР / АННОТАЦИИ К СТАТЬЯМ / THE SUMMARIES

“ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ” журнали илмий-амалий аҳамиятга молик мақолаларни чоп этиш-
гани билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атте-
стациянинг илмий нашрлар рўйхатига киритилиши режалаштирилган

2013 йил, 5-сон

Таҳририят
Кенгашининг раиси

Таҳририят Кенгаши
аъзолари

Бош муҳаррир
Таҳририят аъзолари:

Бош муҳаррир
уринбосари

Нашр учун масъул
ходим:

Маъмур

Дизайнер-
саҳифаловчи

Таҳририят манзили:

100015, Тошкент ш., Чилонзор тумани, II-даҳаси, 34/14.
Тел. (998 71) 277-80-87, E-mail: zamonaviy_talim@mail.ru

Журнал Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида
2012 йил 28 августда 03 032 рақами билан
рўйхатга олинган

**Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi»
АК обуна каталогидagi индекси -7045**

Формат 60x84 1/8. Чоп этишга 29.05.2013 йилда рухсат этилди.
Офсет усулида босилди. 145-сонли буюртма. Адади 100 нусха.
"КО'НИ-NUR" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Ўзбекистон, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.
Журнал ҳар ойда бир марта чиқади.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Замонавий таълим» журналидан кўчириб босиш фақат
таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Таҳририят
фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.

№ 5, 2013 года.

Председатель Редак-
ционного Совета

Редакционный Совет:

Главный редактор
Редакционная коллегия

Заместитель главного
редактора

Ответственный за
выпуск:

Администратор

Верстка

Адрес редакции:

100015, г.Ташкент, Чиланзарский район, II-квартал, 34/14.
Тел. (998 71) 277-80-87, E-mail: zamonaviy_talim@mail.ru

Журнал зарегистрирован в Управлении по печати и информации
Ташкентской области 28 августа 2012 года
Регистрационное свидетельство № 03-032.

**Подписной индекс журнала в каталоге
АК «Matbuot tarqatuvchi» -7045**

Формат 60x84 1/8. 10,5 л.л. Подписано в печать 29.05.2013 г.
Печать офсетная. Заказ № 145. Тираж 100 экз.
Отпечатано в типографии ООО "КО'НИ-NUR"
г. Ташкент, проспект Бунёдкор, 44.
Журнал выходит один раз в месяц.

Цена договорная.

Перепечатка материалов журнала «Современное образова-
ние» допускается только с письменного разрешения редакции.
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.

Шоумаров Гайрат Бахромович,
психология фанлари доктори,
профессор
Қурбонов Шавкат Эргашевич –
педагогика фанлари доктори,
профессор
Сафаев Нуриддин Салихович –
психология фанлари доктори,
профессор
Суннатова Раъно Иззатовна – психология
фанлари доктори, профессор
Каримов Бахтиёр Раҳмонович – фалсафа
фанлари доктори, профессор
Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич –
фалсафа фанлари доктори, профессор
Самаров Рустамжон Садриддинович –
фалсафа фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойниса Мусурмоновна –
педагогика фанлари доктори, профессор
Юзликаев Фарид Рафаэлович –
педагогика фанлари доктори, профессор
Дониёров Бахтиёр Худойбердиевич –
филология фанлари номзоди
Асадов Юлдаш Мухтарович –
психология фанлари номзоди
Джуманова Дилъра Масхутовна

Қодиров Умарали Дўстқобилевич,
психология фанлари номзоди

Остонов Нурулло

Ҳайдаров Мирёқуб Таджиевич,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Ирисматов Данил

Шоумаров Гайрат Бахрамович,
доктор психологических наук,
профессор

Қурбонов Шавкат Эргашевич –
доктор педагогических наук,
профессор

Сафаев Нуриддин Салихович – доктор
психологических наук, профессор
Суннатова Раъно Иззатовна – доктор
психологических наук, профессор
Каримов Бахтиёр Раҳмонович –
доктор философских наук, профессор
Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич –
доктор философских наук, профессор
Самаров Рустамжон Садриддинович –
доктор философских наук, профессор
Мусурмонова Ойниса Мусурмоновна –
доктор педагогических наук,
профессор

Юзликаев Фарид Рафаэлович – доктор
педагогических наук, профессор
Дониёров Бахтиёр Худойбердиевич –
кандидат филологических наук
Асадов Юлдаш Мухтарович –
кандидат психологических наук
Джуманова Дилъра Масхутовна

Кадыров Умарали Дустқобилевич,
кандидат психологических наук

Остонов Нурулло

Ҳайдаров Мирёқуб Таджиевич,
кандидат экономических наук,
доцент.

Ирисматов Данил

Мусурмонов Р. – физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти катта илмий ходими
Шодмонова М.Б. – А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ўқитувчиси

ТАЪЛИМДА ЯНГИЛИКЛАР КАШФ ЭТИЛИШИДАГИ МУҲИМ ЖИҲАТ

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» муҳокамасидаги нутқида таълим муассасаларининг битирувчилари тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган кишилар керак».

Президентимизнинг ушбу сўзларини узлуксиз таълим-тарбия тизимининг ҳар бир босқичига қўйилган буюртма деб қабул қилиш лозим. Агар бу ўрта махсус касб-ҳунар тизимига татбиқ этилса, мазкур ўқув юртларини тугатган кишиларнинг фақат диплом ёки бошқа турдаги ҳужжатни олишлари эмас, балки бирор касб ёки ҳунарнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишишлари лозим эканлиги келиб чиқади.

Жамиятимизга мактаб битирувчилари эмас, мактаб тарбиясини кўрган, мустақил фикрлайдиган, фаол, ташаббускор кишилар керак экан, бу соҳада ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячиларнинг ўрни салмоқлидир.

Ўқув машғулоти касб-ҳунар коллежларида асосан қуйидаги тур ва йўналишларда ташкил этилади:

Назарий билимларни ўрганиш, ўргатиш машғулоти.

Амалий иш-ҳаракат усулларини, кўникмаларини шакллантириш машғулоти.

Ишлаб чиқариш малакаларини ривожлантириш машғулоти.

Назарий билимларни ўрганиш (I-тур) дарс машғулоти барча фанларга тааллуқли бўлиб, ўқувчилар бу дарсларда соҳалари бўйича тур-

ли илмий ва умумий маълумотлар, ахборотлар тўплайдилар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, қонунлар, қонуниятлар, тарихий саналар, рақамлар, нарсалар, қурилмалар, технологиялар ва бошқалар тўғрисида хабардор бўладилар, имкони бўлса, қайд қилиб борадилар.

2-тур – амалий мазмундаги машғулотлар эса кўпроқ умуммеҳнат ва умумкасбий кўникмаларни, иш-ҳаракат усулларини, услубларни, иш қуроллари, меҳнат воситалари билан муомала қилиш қоидаларини шакллантиришга йўналтирилади. Амалий машғулотларда кўпроқ ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг мустақил фаолиятларини таркиб топтиришга имконият яратилади.

3-турдаги ишлаб чиқариш мазмунидаги машғулотлар эса фақатгина касб-ҳунар таълимигагина хос бўлиб, турли хил буюмларни, нарсаларни, буюртмаларни, умуман олганда, унумли меҳнат ёки ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш мақсадида ташкил этилади. Бундай машғулотлар ўқув устахоналарида, махсус майдончаларда, ер участкаларда, ишлаб чиқариш корхоналари цехларида ташкил этилади.

Мазкур машғулотларни самарали ташкил этиш учун аввало, педагог-тарбиячиларнинг

амалий тайёргарлиги етарли даражада бўлмоғи лозим. Кузатишларимизнинг кўрсатишича, педагог-мутахассисларнинг амалий тайёргарлиги қуйидаги кўринишларда олиб борилади:

1. Амалий (семинар) машғулотида.
2. Ишлаб чиқариш корхоналари билан танишиш ва бошқа мақсадларда уюштирилган саёҳатларда.
3. Узлуксиз ўқув амалиётида.
4. Ўқув, ишлаб чиқариш амалиётида.
5. Касб-ҳунар таълимнинг турли йўналишлари бўйича ташкил этиладиган амалиётларда.
6. Технологик ва педагогик амалиётда.
7. Ўқувчиларнинг унумли меҳнатга, меҳнат уюшмаларига раҳбарлик қилишни ўрганиш бўйича амалиётда.
8. Лаборатория машғулотида.
9. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш уюшмалари фаолиятида.
10. Ўқувчилар кичик корхоналарида.
11. Ихтиёрий танлаб олинган мустақил амалий машғулотларда.
12. Худудий, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган амалий машғулотларда.
13. Ўқув устахоналаридаги, тажриба-синов майдончаларидаги, хўжалик шартномаси асосидаги амалий ишларда ва бошқаларда.

Маълумки, ҳар бир фанни мазкур изчилликда ўқитишда маълум таълим босқичида эришилиши лозим бўлган пировард натижа аниқ кўриниб туради ва уни шакллантириш учун барча дидактик воситалар ишга солинади. Масалан, педагогик касбда асосий зарурий маҳорат турларидан ҳисобланган нотиклик (нутқ маданияти) маҳоратининг шакллантирилиши учун «Умумтаълим фанлари» гуруҳидан она тили ва адабиёт, ўзбек (рус) тили, ҳуснихат, болалар адабиёти, ифодали ўқиш, хорижий тиллар фанлари чуқур ўқитилади ва изчил равишда умумкасбий фанлар гуруҳидан мутахассисликка кириш, маънавият асослари, касбий этика, нутқ маданияти кабилар мунтазам ўқитилади. Махсус фанлар гуруҳида эса касбий маҳорат асослари, она тилини ўқитиш методикаси, хорижий тилларни ўқитиш методикаси кабилар ўтилса, бу самарали натижалар беради. Жаҳоннинг машҳур нотиклари тажрибалари уйғунлаштирилган нотиклик маҳорати, ёзма ва оғзаки нутқ маданияти, нотиклик санъати, иш ҳужжатларини юритиш каби мақсадли

йўналтирилган махсус курслар ишлаб чиқилиб, бевосита ўқув режасида доимий изчиллик асосида зарурий кўникмаларни чуқурлаштирган ҳолда шакллантириб, уларни педагогик малакага ҳамда мавжуд малакаларни зарурий маҳорат даражасига чиқариш тадбирларини ташкил этиш назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, ҳар бир ўқув режасини ишлаб чиқишда ва амалиётга татбиқ этишда мутахассислик, таълим йўналишига мувофиқ тайёрланаётган мутахассиснинг профессиограммасида, яъни касбий фаолияти харитасида баён этилган хислат ва фазилатлар ҳамда тайёргарлик жараёни ўз ифодасини топиши керак. Намунавий ўқув режасига давлат таълим стандарти, касб-ҳунарлар, мутахассислик стандарти ҳам ўқув муассасаларига юборилса, давлат буюртмасининг бажарилиш сифати янада ошади. Ўқув режалари бир хил босқичдаги, турли вазибаларга бўйсунувчи ўқув муассасаларида бир хил мазмунда тайёрланса ва уйғунлаштирилса, педагог ходимларнинг жойлардаги фаолиятини ҳам бир-бирига яқинлаштиришга шароит яратилган бўлар эди. Чунки бир хил йўналишдаги, турли хил ўқув юртлиларини битирган педагог-тарбиячилар битта таълим муассасасида фаолият кўрсатса, педагогик маҳорат даражаларидаги фарқ яққол кўзга ташланади.

Ўқув режаларидаги умумтаълим, умумкасбий, махсус фанларни танлаш амалиётларини йўлга қўйишда уларнинг шакллантирилаётган педагогик кўникма ва малакаларга мос тушишига эътибор қаратилиши лозим. Ана шундагина ўқув режасида таълим-тарбия мақсадлари аниқ белгиланган ҳисобланади. Ҳар бир ўқув фанининг назарий ва амалий машғулоти, мустақил ва назорат ишлари, амалиётлар вазибалари аниқ белгиланса, таълим жараёни янада мақсадли равишда амалга оширилади. Ўқув режасидаги турли фанларнинг қўшилиши ёки ўқитилишида ўқув муассасалари ўқув-методик, ўқув-моддий, педагогик ходимлар таъминотининг мўътадил амалга оширилишига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки назарий машғулотларда берилган билимлар, амалий машғулотларда шакллантирилаётган кўникмалар, ишлаб чиқариш шароитидаги малакаларнинг ривожлантирилиши жиддий таъминотни талаб этади. Маълум соҳанинг ўқув режалари, дастурлари, дарсликлари ва қўлланмалари тузилаётган вақтда ўқув-методик

таъминотнинг барча қисмларидаги таълим ва тарбия мақсадлари, вазибалари, мазмуни бир хил изчилликда сақланиши лозим, яъни танланган мутахассисликнинг ДТСни, ўқув режасини тузишда иштирок этган муаллифларнинг (ёки муаллифлар гуруҳининг) иш тажрибасидан ўқув-методик мажмуанинг кейинги босқичида, яъни ўқув дастури, дарслик, қўлланмаларни тузишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ҳол ўқув-методик мажмуада мазмуний мантиқий изчиллик сақланишига ёрдам беради.

Маълумки, ўқув-дарс жараёни хилма-хил ҳолатларни қамраб оладиган, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли хил мазмундаги мулоқотлари кўринишлари мажмуидан иборат. Педагог-тарбиячи турли хил дарслар мавзуларини турли хил даражада, ҳар хил усуллардан, методлардан фойдаланган ҳолда ташкил этади. Ўқув-дарс машғулотларининг турли қисмларида (кириш, асосий, якуний) хилма-хил муаммоли вазиятларнинг ечимларини топишга тўғри келади. Ўқув-дарс машғулотларининг кириш (ташкилий) қисмида янги мавзуни баён қилиш, унинг мақсадларини бевосита ёзув тахтасида қайд этиш, болаларнинг ҳар бирининг мустақил ишлари бажарилишини текшириб бориш, мавзу бўйича муаммоли топшириқларни туза олиш каби амалий кўникмалардан фойдаланиш зарур бўлади. Машғулотларнинг асосий қисмини ташкил этишда, яъни янги мавзуни баён қилишда педагог-тарбиячи оғзаки нутқ маҳоратига таянган ҳолда, турли сўзлардан фойдаланиб гаплар тузиш, ёзма ишлар, топшириқларни бажариш каби турли хил юмушларни амалга оширади. Бундай юмушлар жумласига дарс жараёнида турли хил меҳнат ҳаракатларидан фойдаланиш ва уларни намойиш этиш, ўлчаш, режалаштириш, қоғоз, газлама ва бошқа материалларни кесиш, қирқиб шшлаш, букиш, елимлаш, бўяш, турли шакллар ясаш, кўргазмали ва тарқатма материалда тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, тушунтира олиш ва бошқалар киради. Шунингдек, педагог-тарбиячи ўқувчилар билан мулоқотда бўлганда, ўзини-ўзи тута олиши, бошқара олиши, ҳиссиётларга берилмаслиги, болаларнинг ҳар бир ҳаракатини, сўзларини эътиборсиз қолдирмаслиги, диққат билан изчил кузатиши, ўқувчилар ва синф ҳужжатларини тўғри юрита олиши, педагогик назорат кўникмаларидан,

тарбия ва таълимнинг турли усулларидан ўринли фойдалана олиши лозим бўлади. Ўқув-дарс жараёнининг ҳар бир лаҳзасида педагог-тарбиячи ўқувчилар билан хилма-хил кўринишдаги мулоқотда бўлади. Шунингдек, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш даврида ҳам педагог-тарбиячи хилма-хил кўринишлардаги муаммоли вазиятларга дуч келади ва бу муаммоларнинг ечимларини мустақил равишда топиши лозим бўлади. Бу ҳол эса педагог-тарбиячидан юқори савияда билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлик даражасини, касбий маҳоратининг мукамаллигини талаб этади.

Ўқувчиларнинг педагогика коллежида таҳсили жараёнида "Нутқ маданияти асослари", "Ритмика", "Нотиқлик саъати" каби фанларни ўрганишлари учун таълим муассасаларининг ўқув режаларига мазкур фанларнинг киритилиши ва уларга тегишли ўқув соатларининг ажратилиши педагогика коллежлари ўқув режаларининг янада мақсадли равишда мукамаллаштишига имкон яратади.

Педагогика коллежларида бўлғуси педагог-тарбиячиларни тайёрлашда ўқув режалар ва дастурларга касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш учун хизмат қиладиган махсус фанларни киритиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу фанларни киритишда тайёрланаётган кичик мутахассиснинг касбий маҳорати даражасига қўйиладиган давлат-ижтимоий буюртмаси талаблари ҳисобга олинади.

Педагогика коллежларида ўқув режаларидаги умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда илмий, методик, моддий-техник ҳамда кадрлар таъминотининг яратилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур таъминот мавжуд бўлгандагина таълим-тарбия жараёни самарали натижалар беради.

Бўлғуси педагог-тарбиячиларни тайёрлашда, уларнинг касбий маҳоратларини шакллантиришда, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантиришда умумкасбий ва махсус фанларнинг, айниқса, педагогик, психологик, методик йўналишдаги фанларни ўқитишнинг салмоғи каттадир.

Педагог-тарбиячиларда педагогик маҳорат, одоб-ахлоқ хислатларининг шакллантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки шундай фазилатларга эга мутахассиснинг педагогик жара-

ёнда самарали натижаларга эришиш имконияти кўпроқ бўлади.

Педагогик жараённинг хилма-хиллиги ва бу жараёнда муаммоли вазиятларнинг кўплиги туфайли тарбиячиларнинг педагогик маҳорати ҳам кўп қиррали, мукамаллашган кўринишларда шакллантирилмоғи лозим.

Педагог-тарбиячиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда ва педагогик тажрибаларининг ошишида амалий-лаборатория, семинар машғулотларининг, педагогик, ўқув, ишлаб чиқариш амалиётларининг ўрни салмоқлидир. Ушбу тадбирларни ташкил этишда амалийлик асосий мезон бўлмоғи зарур.

Педагог-тарбиячиларнинг назарий ва амалий, ишлаб чиқариш таълимини ташкил этишда педагогика, психология, методика, ишлаб чиқариш ва техника-технологияларнинг энг замонавий ютуқларидан фойдаланиш самарали натижалар беради.

Педагог-тарбиячиларнинг амалий касбий кўникма ва малакаларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида умумкасбий ва махсус фанлар гуруҳини ўқитиш алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун мазкур фанларни ўқитишга алоҳида эътибор берилмоғи керак.

Педагогика коллежларида тарбиячи мураббийларни касбий фаолиятга амалий жиҳатдан тайёрлашда таянч ўқув режадаги умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича олиб бориладиган доимий машғулотлар асосий ўрин тутати. Ўқувчилар мазкур машғулотлардан олган назарий билимларини амалиётда қўллаб, синаб кўриш, ўзларини педагогик фаолиятга мослаштириш, ўқув-тарбиявий жараён билан яқиндан танишиб бориш, турли хил таълим-тарбия муассасаси ҳужжатлари, болалар руҳияти билан яқиндан танишишида турли хил амалиётларнинг ўрни, аҳамияти бениҳоя каттадир. Аммо ҳозирги даврда, кузатишлардан маълум бўлишича, турли хил амалиётларнинг таянч ўқув муассасаларида ўтказилиши жараёнини замон талабларига мос равишда янада такомиллаштириш тақозо этилади. Чунки ўқув режасида маълум ҳажмда берилган умумкасбий ва махсус фанларнинг ҳажми, кўлами педагогик амалиётдаги ўқувчиларнинг бажарадиган юмушлари, мустақил ишлар, топшириқлар мазмуни билан уйғунлашмаган ҳолда ташкил этилади. Ўқув режасида бу фанларнинг белгилан-

ган ҳолатдагича ўқитилиш нисбатлари педагогик амалиётда ўз аксини топмаган, шунингдек улардаги соатлар тақсимланишининг ўзи ҳам зарурий даражада илмий, методик жиҳатдан асосланганлиги таҳлилга муҳтождир. Педагогик амалиётларни ўтказишда фанлар нисбатига мос равишда ўқувчилар ва ўқитувчи-амалиёт раҳбарларининг бажарадиган вазифалари ҳам аниқ белгиланганлиги самарали натижаларга эришишнинг гаровидир.

Амалиётларга ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаси ва ўрта умумтаълим муассасаси томонидан белгиланадиган раҳбар методистларнинг вазифа ва бурчлари, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришининг дидактик механизми ҳам янада такомиллаштирилиши лозим. Чунки бозор иқтисодиёти талаблари натижасида умумтаълим мактаби ўқитувчиси ва ўқувчи-амалиётчининг ўтаётган синов дарси, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлари савияси турли даражада бўлади ва бу ҳол ўқувчилар тасаввурида турлича из қолдиради.

Ўзбекистон Республикасида юзага келган турли ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг ижрочи кучи асосан, кадрлар ҳисобланади.

Халқ хўжалигининг турли соҳалари, ишлаб чиқаришнинг тармоқлари, иқтисодиёт ва тараққиётнинг барча соҳаларида рўй бераётган ривожланишлар, янгилинишлар янги тарбияланган ва шаклланган мутахассис-кадрларни кўплаб тайёрлашни талаб этмоқда.

Мутахассис-кадрлар тайёрлашда ёшлар таълим-тарбиясини ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Узлуксиз таълим-тарбия тизимида, жумладан, умумий ўрта таълим босқичида, оилада болалар таълими ва тарбиясини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун педагог-ўқитувчилар, тарбиячиларнинг ўрни жуда катта.

Бу асосан, умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс берадиган, ўзлари эса педагогика коллежларини тугаллаган тарбиячи-педагог мутахассислик малакасига эга бўлган ўқитувчи-мураббийларнинг амалий фаолиятга тайёрланиш даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки оиладаги тарбия ва бошланғич таълим умумий ўртатаълимнинг асосий босқичларидан ҳисобланади. Мактабгача тарбия муассасалари тайёрланаётган ва бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчиларнинг

борлиқ, ташқи муҳит, воқелик ва нарса ҳодисалар, жараёнлар, дунёни онгли равишда ўрганиш ҳақидаги дастлабки тасаввурларини ҳосил қилиб боради. Ана шундай дастлабки тасаввурларни шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчилари, оила тарбиячилари, боғча ва яслилар тарбиячилари фаолияти муҳим ўрин тутди. Республикамизда кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари, туб ислохотлар амалга ошириляётган бир даврда педагогика коллежларидаги ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштириш, ушбу босқичдаги таълим-тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва такомиллаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Педагогика коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш, таълим мазмунини янгилаш, улардаги амалиётга жорий этиляётган ўқув режа ва дастурлардаги фанларнинг ўқитилишида қандай натижаларга эришилаётганлигини аниқлаш ҳам муҳим муаммолардан ҳисобланади. Маълумки, педагогика коллежларда кичик мутахассисларни республикамиздаги замонавий ўзгаришларга мос тушадиган, дунёқараши, тасаввури, тафаккури тараққий этган мутахассислар сифатида тайёрлашда миллий қадриятлар, тарихий мерослар, уларда илгари сурилган ғоялардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни ҳаётга, турли касб-ҳунарларни ўргатишга тайёрлашда асрлар мобайнида яратилган миллий қадриятлардан, тарихий мерослардан, маънавий ютуқлардан фойдаланиш, уларни таълим жараёнига қўллаш алоҳида диққат-этиборга эга бўлган тadbирлардан ҳисобланади. Ҳар бир мутахассисликнинг яратилиши, тарихий келиб чиқишининг илдишларини ўрганиш, мустаҳкам маънавий-маърифий аҳамиятини асослаш ҳозирги даврда илмий-методик йўналишдаги тадқиқотларнинг ва кузатишларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланмоғи лозим.

Педагогика коллежларида турли фанларни, айниқса, умумкасбий ва махсус фанлар гуруҳига мансуб фанларни ўқитишда амалий машғулотларни ташкил этишга алоҳида этибор қаратилмоғи лозим. Амалий машғулотларни ташкил этишда методик ва ўқув, моддий-техникавий таъминотни йўлга қўйиш дарс са-

марадорлигини оширишда ҳал қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Машғулотларни ўтказиш давомида педагог-тарбиячи ўқувчининг ҳар бир ҳаракатини, сўзларини, усулларини, дарс хронометражини, услубини яхлит ҳолда тасаввур эта олиши ва уларни дарс мақсадини амалга оширишга йўналтирмоғи даркор.

Педагогика коллежларида бўлғуси педагог-тарбиячиларни тайёрлашда уларнинг келгусидаги фаолиятларида амалиёт ва назария бирлигини таъминлаш ўқув мақсадларини белгилаш, ўқув режаси ва давлат таълим стандарти, ўқув дастури ҳамда таълим мазмунини белгилашда ҳам акс эттирилмоғи лозим бўлади. Давлат таълими стандартлари ва уни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар ҳаётий педагогик жараёнга мос тушадиган этиб тузилгандагина, мазкур меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида тайёрланган педагог-тарбиячиларнинг мактаб ўқув-тарбиявий жараёнига мослашиши тез ва осон кечади.

Ўқув режа ва дастурларда кўрсатилган амалий машғулотлар, айниқса, турли хил номдаги амалиётларни сифатли, хилма-хил кўринишда ташкил этиш бўлғуси мутахассислар касбий тайёргарлигининг сифат даражасини замонавий талабларга мос равишда амалга оширишга хизмат қилади. Амалиётларнинг ҳозирги кундаги аҳволи, ташкил этилиш даражаси тубдан янгиланиши тақозо этади.

Ушбу янгиланиш жараёнида амалиётлар ўтказилиши лозим бўлган корхона ёки ташкилотларни танлашдан бошлаб амалиётларни ташкил этиш технологиясини амалиётларнинг амалий кўникма, малака ва маҳоратларини баҳолашгача бўлган босқичлари сифатли равишда амалга оширилиши назарда тутилмоғи зарур. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, яъни педагогика коллежларида тайёрланаётган педагог-тарбиячиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш йўлида қатор йиллардан буён олиб бориляётган кузатишлар, тадқиқотлар қуйидаги тавсияларни баён қилишга имкон беради:

Педагогика коллежларида тайёрланаётган мутахассисликларнинг аниқ профессиограммалари (касбий маҳорати сиймоси) тузилмоғи ва бунда давлат бунортмаси мазмуни тўлиқ акс этмоғи лозим.

Мазкур ўқув юртларида ўргатилаётган ҳар бир касб-ҳунарнинг келиб чиқиш тарихи, таснифи-таърифлари, миллий методологик илдиэлари маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда ишлаб чиқилмоғи керак. Ҳар бир соҳанинг миллий методологик таянчи ҳозирги замон ўзгаришлари ҳисобга олинган ва мукамаллаштирилган ҳолда ўқув-тарбиявий жараёнда қўлланилса, самарадорликнинг ошишига қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Педагогика коллежларида ўқув-тарбиявий жараён асосан, назарий, амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларига таянилган ҳолда ташкил этилади. Айниқса, амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларининг ташкил этилиш даражаси бўлғуси мутахассисларнинг амалий тайёргарлигини таъминлашнинг асосий сифат кўрсаткичини таъминловчи омил ҳисобланади.

Педагогика коллежларида амалий машғулотларни, педагогик, диплом олди ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этишда янги ахборот, педагогик технологиялардан кўпроқ фойдаланиш, амалиётлар объектлари сифатида эса, хорижий давлатлардаги таълим муассасаларини танлаш ва уларда ўтказилишини таъминлаш лозим.

Бўлғуси педагог-тарбиячиларни тайёрлашда миллий, хорижий, замонавий педагогик, ахборот ва ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Бўлғуси мутахассисларни тайёрлашнинг барча ҳужжатларида, ўқув-тарбиявий жараёнда таълим мазмуни мустақиллик маънавияти, миллий тарихий меросларимиз, маҳаллий шароитларни, хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи мақсадга мувофиқ. Педагогика коллежларида ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштиришда юқоридаги омиллар ҳисобга олинса ҳамда ўқув муассасаларидаги эҳтиёжлар ҳисобга олинаётганда таълим-тарбия жараёнининг кадрлар таъминоти тўлиқ амалга оширилса, самарадорликка эришиш мумкин.

7. Педагогика коллежлари битирувчиларининг касбий педагогик билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлашда алоҳида баҳолаш тизими ишлаб чиқарилиши лозим. Бу баҳолаш тизимида педагог-тарбиячиларнинг, кичик мутахассисларнинг умумпедагогик, умумпсихоло-

гик ва методик тайёргарликлари даражасини аниқлайдиган меъёрлар (баллар тизими) бевоқифа амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини ва назарий билимлар савиясини аниқлашга қаратилмоғи зарур. Кичик мутахассис-педагогларнинг назарий билимлари, дунёқараши савиясини аниқлашда эса маънавий, мафкуравий, ахлоқий, экологик ва иқтисодий, эстетик, касбий ва махсус билимлар ҳажми эътиборга олинishi керак.

Кичик мутахассисларнинг педагогик фаолиятларидаги ўзига хосликлар олий маълумотли мутахассисларникидан ҳажми, кўлами жиҳатидан қисман фарқ қилса-да, мазмуни йўналиши жиҳатидан тубдан фарқ қилмаслиги талаб этилади. Ўқув-тарбиявий жараёнда юз берадиган турли хил ҳолатлар, муаммоларнинг ечимларини топишда ҳар икала тоифа мутахассислар ҳам фаоллик билан ёндашишлари ҳамда келгусида ўз касбий маҳоратларини такомиллаштириб, ривожлантириб боришлари керак бўлади.

Юқоридаги айтилган фикрлардан келиб чиқадиган умумий натижаларга таянган ҳолда педагогика коллежларида ўқувчиларнинг замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари жараёнининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи қуйидаги методик тавсияларни илгари суриш мумкин:

- ўқувчиларнинг замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилишига эришиш;

- **ўқувчиларнинг замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришда алоҳида ва муҳим восита бўлган тажриба синов ишларини ташкил этиш технологияларига оид методик қўлланманинг яратилишига эришиш;**

- узлуксиз педагогик амалиётни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларнинг замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришни доимий равишда такомиллаштириб бориш;

- педагогик туркум фанлари, хусусан, «Педагогик маҳорат» фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берувчи амалий тренингларнинг узлуксиз, тизимли ва изчил ташкил этиб борилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори: «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида». «Халқ сўзи»-Т.: 1998. 24 феврал. 2-б.
2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида Низом // «Халқ таълими», 1998. №4, 12-20-б.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.- 48-б.
4. Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар).- Т.: «Шарқ», 1998.-184-б.
5. Арзиқулов Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари.: Псих. фан. ном. дисс. ... автореф.-Т.: 2002.-2-б.
6. Джураев Р.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида ёшларни касб-ҳунар тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарияси ва амалиёти. Автореф. докт. дисс. ... -М.: 1996; Т.: «Фан», 1992.-26-б.
7. Жумаев М. Ўқув жараёнида бўлажак бошланғич ўқитувчиларнинг педагогик маданиятини тарбиялаш. Пед. фан. ном. дисс. ...-Т.: 1999. 160 б.
8. Исаева Г. Педагогика коллежларида амалий машғулотларни ташкил этишнинг услубий тизими. // «Касб-ҳунар таълими». 2004 №2.-10-11-б.

**МУСУРМОНОВ Р., ШОДМОНОВА М.Б. ТАЪЛИМДА ЯНГИЛИКЛАР КАШФ
ЭТИЛИШИДАГИ МУҲИМ ЖИҲАТ**

Мақолада педагогика коллежларида бўлғуси педагог-тарбиячиларни тайёрлашда, ўқувчилар замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари жараёни самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар келтирилган.

**МУСУРМОНОВ Р., ШАДМОНОВА М.Б. НЕОБХОДИМЫЕ СТОРОНЫ НОВЫХ
ОТКРЫТИЙ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ**

В статье говорится о развитии профессиональных способностей у будущих педагогов-воспитателей в педагогических колледжах, даны методические рекомендации в формировании педагогических условий в процессе образования.

**MUSURMONOV R., SHODMONOVA M.B. THE NECESSARY ASPECTS OF NEW
DISCOVERIES IN THE EDUCATION SPHERE.**

The article is discussing the issues of professional qualification development of educators and teachers at professional colleges. There is developed methodical recommendations of pedagogical conditions arrangement during the education process.

**ТУРАКУЛОВА Р.Т. ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА ДЕВОЧЕК К ЗДОРОВОМУ
МАТЕРИНСТВУ**

В статье представлен материал результатов социологического исследования, посвященного психологическим проблемам подготовки девочек к здоровому материнству и самостоятельной семейной жизни, подчеркнута особая роль социально-психологического климата, возраста, здоровья и других социальных факторов, зависящих от типа родительской семьи.

ТЎРАҚУЛОВА Р.Т. ҚИЗЛАРНИ ОНАЛИККА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ

Мақолада қизларни оналикка ва оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида амалга оширилган социологик тадқиқот натижалари баён этилган, ёш, саломатлик, ижтимоий-психологик муҳит сингари омилларнинг аҳамияти хусусида фикр юритилган.

**TURAKULOVA R.T. PSYCHOLOGICAL PREPARATION OF GIRLS FOR HELTHY
MATERNITY.**

There is presented data of researches based on sociological investigation devoted to psychological training of girls to healthy maternity and independent family life. There is noted the role of social – psychological climate, age conditions of health and other social factors, depending from type of parent's family.

ХОЛИҚОВ Д. ЁШЛАРНИ БЎЛҒУСИ ОТА-ОНАЛИККА ТАЙЁРЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Мақолада оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси кўп жиҳатдан оиладаги муҳитга, атрофдаги катталарнинг болани тарбиялашга бўлган муносабатига боғлиқлиги, ота-онанинг жамият олдида масъул эканлиги юзасидан фикр юритилган.

**ХОЛИКОВ Д. ПОДГОТОВКА МОЛОДЕЖИ К БУДУЩИМ РОДИТЕЛЬСКИМ
ОБЯЗАННОСТЯМ**

В статье говорится о вопросах, связанных с созданием будущей семьи, об ответственности родителей перед обществом, о том, что в воспитании ребенка немаловажное значение имеет среда в семье.

KHOLIKOV D. PREPARATION OF YOUNGS TO UPCOMING PARENTING DUTIES.

The article discussing about issues connected with creation of new families, responsibilities of parents under society, and about the playing key role circumstances and conditions in families.